Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 15 декабрь, № 244 (5664) Шанба

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**Шу йил 14 декабрь куни халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**



Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг якуни бўйича вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 106,7 фоиз, жумладан, қишлоқ хўжалигида 107,5 фоиз, хизматлар бўйича 117,2 фоизни ташкил этиши, пудрат ишларида эса 12 фоиз ўсишга эришиш кутилаётганини қайд этиш лозим, деди давлатимиз раҳбари. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2000 йилга нисбатан 1,7 баробар ошди.

Президентимиз ўз нутқида вилоятда амалга оширилаётган улкан ишларни қайд этиш билан бирга, олдинда турган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Шуҳрат Ғаниев Фарғона вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси Энахон Сиддиқова, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раиси Акрамжон Йўлбарсов, Фарғона давлат университети талабаси Гўзалхон Эргашева сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, истиқболдаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини янада юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидладилар.

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Фарғона шаҳри марказий қисмини реконструкция қилиш дастурига асосан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Қурилиш ва шаҳарсозлик ишларида Фарғонанинг ўзига хос табиий иқлим шароитини эътиборга олиш лозим, деди Ислом Каримов. Шу билан бирга, ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ишларини тизимли ташкил қилиш шаҳарда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида доимий эътибор марказида бўлиши даркор.

Давлатимиз раҳбари янги барпо этилаётган стадион ва санъат саройи қурилиши билан ҳам танишиб, мазкур иншоотлар қурилишини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

**О. ТЎРАҚУЛОВ,**
**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ш. М. Ғаниевни Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Шуҳрат Мадаминович Ғаниев** Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 14 декабрь

# Ватан равнақига дахлдорлик туйғуси

## юртдошларимиз интилишларида яққол намоён бўлмоқда

*Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги дастурий аҳамиятга эга маърузаси кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, улар мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимиз ободлиги, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига хизмат қиладиган эзгу ғояларга камарбаста эканини билдиришмоқда.*

### 2013 йил — Обод турмуш йили

**Р. АРЗИЕВ,**
**халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати, юрист:**

— 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан қабул қилинадиган Давлат дастури ҳам мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ўйлайманки, бу юксак эътирофга лойиқ.

Сўнгги йилларда республика аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, таълим олиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда рўёбга чиқарилган эзгу ташаббус ва лойиҳалар фуқароларимизнинг ҳаётини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

**К. ОҚБЎТАЕВ,**
**Жиззах шаҳар "Камолот" ЁИҲ қошидаги ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази раҳбари:**

— Оиламиз билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимни катта эътибор билан кузатиб, давлатимиз раҳбари нутқини қизиқиб тингладик.

Президентимиз ўз маърузасида ҳудудлар ва дунёдаги ҳолатни аниқ ва одилона таҳлил этиб берди. Маъруза вақтида келгуси 2013 йилга қандай ном берилишини интизорлик билан кутдим. Давлатимиз раҳбари 2013 йилни "Обод турмуш йили" деб номлашни таклиф қилганида, маросим иштирокчилари бир овоздан олқишлашди. Бу Президентимизнинг яна бир бор узоқни кўзлаб иш кўришини намоён этди. Ишонаманки, келгуси йилда ҳам мамлакатимиз ва ҳудудларнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш, айниқса, аҳоли фаровонлигини янада ошириш борасидаги кенг кўламли ишлар рўёбга чиқади.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● Тошкентда Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада ошириш стратегиясига бағишланган «Иқтисодчилар форуми — 2012» бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури «Миллий ва маҳаллий даражада иқтисодий прогнозлаштириш ва режалаштириш салоҳиятини ошириш» лойиҳаси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда глобаллашув жараёнида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва модернизация қилиш самаралари, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни каби мавзулардаги маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

**● Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш бўйича журналистлар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов ғолиблари тақдирланди. Ушбу муносабат билан ташкил этилган тадбирда жамият томонидан фавқулодда вазиятларда аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, алоҳида эътиборга муҳтож кишиларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, соҳага оид халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.**

● Пойтахтимизда экожурналистикани ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли «Чинор» экологик нашриёт компанияси, «Экомактаб» нодавлат нотижорат ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда экожурналистикани ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари, бу борадаги халқаро тажриба, экология соҳасидаги миллий ва халқаро қонунчилик, экологик тарғибот юритишнинг таъсирчан услублари юзасидан фикр алмашилди.

**● Миллий матбуот марказида эстрада санъати ривожида шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлигининг аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан ташкил этилган тадбирда санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар, журналистлар иштирок этди.**

**Анжуманда қўшиқ яратишда ижодкорлар ҳамкорлигини муайян ижодий лойиҳа тарзида йўлга қўйиш, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, жонли мулоқотлар, учрашув ва концертларни мунтазам ташкил этишга оид амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.**

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Ўзбекистон — Германия:

# Олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро алоқалар кенгаймоқда

*Яқинда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтининг 27 нафар ўқитувчи ва талабаларидан иборат Ўзбекистон делегациясининг Германияга малака ошириш сафари уюштирилди.*

### Биз ва жаҳон

Сафар чоғида юртимиз таълим соҳаси вакиллари Германиянинг Магдебург шаҳрида жойлашган олий ўқув юртлари фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда ўзаро қўшма семинарларда қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистонлик ёш иқтисодчилар Магдебург-Стендал университетида ташкил этилган "Қиёсий иқтисодиёт" ҳамда "Ўзбекистон ва Германия: сармоя киритиш имкониятлари" мавзуларига бағишланган семинарларда қатнашдилар. Шунингдек, улар Магдебург шаҳридаги Отто фон Герике номидаги университетда ҳам бўлиб, Германия иқтисодиёти тизими ва уни бошқаришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус ўқув дастурларининг ҳам иштирокчиларига айланишди.

Ташриф доирасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида юртимиз вакиллари ва Германия олий ўқув юртларининг масъул ходимлари иштирокида "Ўзбекистон ва Германия олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларнинг истиқболлари" мавзуига бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари мустақил Ўзбекистон тарихи ва маданияти, шунингдек, юртимизда илм-фан, таълим соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар, ушбу йўналишларда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган муҳим мақсад ва вазифалар билан атрофлича танишдилар.

Давра суҳбатида сўзга чиққан **Магдебург-Стендал университети иқтисодиёт факультети декани профессор Ф. Р. Грабау** жорий йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференциядаги иштирокига алоҳида тўхталди. У Ўзбекистонда таълим соҳасига берилаётган эътибор таҳсинга сазовор эканлигини ҳамда мамлакатимиз ёшларининг илмга бўлган иштиёқи бошқа ривожланган давлатлардаги тенгдошларига нисбатан анча юқори эканини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

### Дил сўзи

*Юртбошимизнинг Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасини катта қизиқиш ва мамнуният билан тингладим.*

# Бахтимиз, таянчимиз, суянчимиз

Унда давлатимиз раҳбари поёнига етаётган йилда халқимиз эришган катта ютуқлар билан бир қаторда, Янги йилда халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, турмушини бундан-да обод ва фаровон қилиш борасида жуда муҳим фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Мен қишлоқ мактабида ўқитувчиман. Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Шундай кезда ўқитувчи эканимдан фахрланиб кетаман. Биласизми, нега?

Педагоглик фаолиятимга ўттиз йилдан ошди. Шунча йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳеч қачон ёшлар таълим-тарбиясига, ўқитувчи меҳнатига бугунгидек юксак эътибор қаратилган эмас.

(Давоми 2-бетда).

### Тадбир

*Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.*

# Инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг юксак ифодаси

Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор ижроси юзасидан ўтказилган мазкур тадбирда парламент юқори палатаси аъзолари, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, вилоятларнинг суд, прокуратура идоралари вакиллари, жазони ижро этиш муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Эътироф этилганидек, юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилиб, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари тўлақонли ҳимоя қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизда жорий йилнинг 9 ойида***

**40** **номдаги янги дори воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

Ҳудудлар саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида фармацевтика саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда модернизациялаш ишлари жадал олиб борилаётгани, маҳаллийлаштириш лойиҳалари изчил рўёбга чиқарилаётгани тизимда импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар тайёрлаш имконини бермоқда.

# Ватан равнақига дахлдорлик туйғуси

## юртдошларимиз интилишларида яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Д. ШОДИЕВА, "Етакчи" ёшлар ўқув марказининг директор ўринбосари:**

— Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 20 йиллигини кенг нишонладик. Ана шу шодиёналар арафасида "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирландим. Бундай юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига ўзимнинг чексиз ҳурмат ва миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Эътироф этиш керакки, юртимизда таълим соҳасига, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтиришга улкан эътибор қаратилаётир. Бу, шубҳасиз, юртимиз тараққиётининг босқичма-босқич ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда.

**Г. ҚУТЛИМУРОТОВА, Қорақалпоғистон давлат университети доценти:**

— Президентимиз Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида мамлакат иқтисодиёти ривожидаги ютуқларни алоҳида қайд этди.

Унда Қорақалпоғистонда меҳнат қилаётган инсонларнинг демократик давлатимиз равнақига қўшаётган улуши хусусида ҳам алоҳида сўз борди. Президентимиз ўз чиқишида Хоразм ва Қорақалпоғистонда яшаётган заҳматкаш одамларнинг ҳозирги табиий-иқлим шароитида ҳам давлатимиз иқтисодиёти тараққиётида муносиб ҳиссаси борлигини таъкидладилар.

Шунингдек, Мустаҳкам оила йилида республикани ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этган юртдошларимизга миннатдорлик билдирилди.

Таъкидланганидек, гап йилни чиройли номлашда эмас, энг аввало, юртимиздаги ҳар бир инсон миллати ва динидан қатъий назар, ўз Ватанининг ҳар томонлама гўзал ва обод бўлишини исташи ҳамда шунга кўра фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

**К. СУЯРОВ, Пахтаобод туманидаги "Маданият" марказий қишлоқ касалхонаси врач-терапевти:**

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанадаги маърузасини "ойнаи жаҳон" орқали катта ҳаяжон билан тингладим.

Ишонч билан айтишим керакки, 2013 йил — Обод турмуш йили якунланаётган Мустаҳкам оила йилининг узвий ва мантиқий давоми бўлади.

Албатта, келгуси йилда ҳам аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш борасидаги амалий ишлар кўлами кенгаяди. Айниқса, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шу орқали аҳоли саломатлигини асраб-авайлашга янада катта эътибор қаратилади.

**М. АББОСОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси:**

— Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ёш авлодни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бу менга адабиёт соҳасидаги ишларимни давом эттиришга рағбат бўлди. Бунинг учун, энг аввало, Президентимизга миннатдорлик билдираман.

Ўз навбатида, 2013 йил — Обод турмуш йилида ижодий ишимни давом эттириб, менга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан. Шу билан бирга, юртимизда ёшларга яратилаётган шарт-шароит ва берилаётган имкониятлар натижасида кўплаб иқтидор эгалари камол топаётгани ҳақида хорижликларни хабардор қилиш мақсадида келажакда ўзимнинг бадиий асарларимни инглиз тилига таржима қилиб, чет элларда чоп этишни режалаштирмоқдаман.

**Х. ҚУТТИБОЕВ, Тошкент вилоятидаги Адвокатлар палатаси аъзоси:**

— Ўзбекистон Республикаси ўзининг қисқа тарихий тараққиёт йўлида кўплаб муваффақиятларга эришди. Масалан, бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтилди, кўп партиявийлик тизими жорий этилди ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий асосларининг шакллантирилиши ҳуқуқий демократик давлат пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўз навбатида, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий таянчига айланмоқда.

2013 йилнинг Президент Ислом Каримов томонидан "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши биз учун муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда долзарб масалаларни ечишда бор куч-ғайратимизни бирлаштириб, уни юртимиз тараққиёти учун йўналтирамиз, албатта.

**Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.**

## Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

*Бугунги мижознинг диди ўта нозик, талаби эса қатъий: харид қилаётган маҳсулотининг сифати юқори, нархи арзон бўлиши шарт. Мамлакатимизда саноат тармоқларини ривожлантиришда ана шу мезон инобатга олингани туфайли юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бораяпти. Ҳозирги кунда саноат маҳсулоти умумий миқдорининг қарийб 70 фоизини шундай товарлар тайёрлашга йўналтирилган соҳалар ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир.*



# Юқори сифат — рақобат мезони

Буни гўзаллик саноати, дея эътироф этилаётган парфюмерия, косметика ва гигиена воситалари ишлаб чиқариш соҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Сабаби, илгари импорт қилинган бу турдаги маҳсулотлар Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзимизда тайёрланмоқда. Тизим корхоналари энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлангани, ишлаб чиқаришда табиий хом ашёлардан фойдаланилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотларга бўлган талаб эса йил сайин ошиб бораяпти. Бу эҳтиёжни қондиришда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Angeline cosmetics" Ўзбекистон — Польша қўшма корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Гап шундаки, бу ерда кундалик ҳаётимизда энг кўп ишлатиладиган атирсовунлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Мутахассисларнинг айтишича, ушбу маҳсулотни саноат усулида тайёрлашни ўзлаштириш маълум бир тайёргарликни талаб этади. Чунки у мураккаб технологик жараёндан иборат бўлгани учун юқори малакали мутахассислар, экологик тоза технологиялар ва кафолатли хом ашё таъминотига эга бўлиш зарур. Юртимизда эса буларнинг барчаси муҳайё қилинган. Шу боис Марказий Осиёдаги йирик ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланган мазкур корхона жуда қисқа вақт ичида бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

— Корхонани ташкил этишда мамлакатимизда яратиб берилган қулай инвестициявий муҳит, айниқса, давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар қўл келди, — дейди қўшма корхона бош директори Фарҳод Юсуфохунов. — Масалан, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, четдан ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ҳамда хом ашёларни олиб келишда солиқ ва божхона тўловларидан озод қилинганмиз. Бу бизга катта мадад бўлаяпти.

25 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада 10 граммдан 150 граммгача бўлган, қарийб 40 хил совун ишлаб чиқарилаяпти. Инсон саломатлиги учун хавфсиз бу маҳсулотларга нафақат аҳоли, балки юртимиздаги йўловчи ташиш хизмати билан шуғулланадиган компаниялар, меҳмонхоналар ва ресторанлардан кўплаб буюртмалар тушаяпти. Натижада жорий йилнинг 9 ойида харидорларга 850 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилиб, ўтган йилнинг ана шу давридагига нисбатан 14 фоиз ўсишга эришилди.

"ISO 9001:2009" сифат сертификатини қўлга киритган корхонада тизимли ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, айниқса, маҳсулот рақобатбардошлигини оширмоқда. "Angeline cosmetics" атирсовунлари гўзаллик саноатига ихтисослаштирилган "BeautyExpo Uzbekistan — 2012" VIII Халқаро кўргазмасида "2012 йилнинг энг яхши маҳсулоти" дея эътироф этилгани бунинг исботидир.

Айни пайтда қўшма корхонанинг аҳил жамоаси томонидан юқори унумли ва тежамкор ускуналар ёрдамида соатига 450 килограмм атирсовун тайёрланаяпти. Бежирим идишларда қадоқланаётган маҳсулотлар юқори сифати, дизайни билан хорижникидан асло қолишмайди. Унга бўлган талаб ошиб бораётганининг боиси шунда.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида хориждан яна бир технологик линия олиб келинаяпти. У 2013 йил бошида ишга туширилиши кўзда тутилган. Бу эса ички бозорни ўзимизнинг маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, экспорт имкониятларини янада кенгайтиради.



**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг юксак ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буни жиноят қонунчилиги изчиллик билан либераллаштирилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу асосда инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилига риоя қилиниб, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш ҳамда уларни тўғри йўлга бошлаш мақсади кўзда тутилгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбари тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ана шундай эзгу мақсадларни қамраб олгани билан эътирофга лойиқ. Мазкур ҳужжат нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойиллари, балки қадимдан амал қилиб келинаётган қадриятларни, кишилар эъзозлайдиган бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олий фазилатларнинг нозик қирраларини ўзида ифодалаган.

— Олий Мажлис Сенатининг мазкур қарорида, биринчи навбатда, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлат фуқароларини жазодан озод қилиш назарда тутилган бўлиб, шунинг ўзиёқ унинг нечоғли бағрикенглик тамойилига асосланганини кўрсатиб турибди, — дейди Жазони ижро этиш бош бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими катта инспектори Абдуҳошим Зиёдинов. — Шунингдек, қарорда эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахслар ҳам жазодан озод қилиниши белгиланган.

Амнистия актининг энг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, унга кўра, бир нечта тоифадаги шахсларнинг жазо муддати қисқартирилмоқда ёки енгилроғига алмаштирилмоқда.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида, амнистия акти асосида, жазодан озод этиладиган шахсларнинг кейинги тақдири қандай бўлиши хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Жумладан, бундай шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимояси бўйича коплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, уларни тўла ҳисобга олиш, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналари, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш ҳам муҳим ҳисобланади. Шу боис мазкур қарор ижросини таъминлашга масъул давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш айни муддаодир.

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан таркиб топган комиссиялар ҳамда уларнинг вазифалари хусусида ҳам маълумот берилди. Жумладан, ушбу комиссияларнинг қарор ижроси бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириши, бу эса ижро жараёнида адолат тамойили устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Якунда қарор ижроси бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон — Германия:

# Олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро алоқалар кенгаймоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Профессор Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ва Магдебург университетлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратди. Шу ўринда профессор ҳар икки томондан ўзаро делегациялар алмашинуви йўлга қўйилгани ҳамда кўплаб қўшма семинар ва ўқув дастурлари ташкил этилаётганига урғу берди. Ф. Р. Грабау бундай ҳамкорликни янада ривожлантириш учун Германия томони мавжуд барча имкониятларни ишга солишга тайёр эканини маълум қилди.

Давра суҳбати давомида томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир таклифларни атрофлича муҳокама қилдилар. Хусусан, Ўзбекистоннинг молия ва иқтисодиёт олий ўқув юртларида "Иқтисодиёт", "Иқтисодиётни бошқариш ва менежмент" йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун Германия халқ хўжалигида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар билан биргаликда амалиётга йўналтирилган ўқув дастурларини ташкил этиш, ҳамкор олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун олти ойлик ҳамда бир йиллик академик алмашувларни жорий этиш, икки давлат иқтисодий тизимини солиштириш ва ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга қаратилган магистрлик ҳамда докторлик илмий ишларини қўллаб-қувватлаш, мазкур йўналишда иш бошлаган тадқиқотчилар учун қисқа муддатли илмий алмашувларни йўлга қўйиш, уларни керакли илмий адабиёт ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш каби масалалар долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган суратлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Бахтимиз, таянчимиз, суянчимиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янги қурилаётган таълим муассасалари ва уларда яратилаётган шароитлар дейсизми ёки ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимидаги ўзгаришларни оласизми, буларнинг барчаси келажагимиз эгаларининг камолоти йўлида қилинаётган мислсиз ғамхўрликдир. Бинобарин, мустақиллик йиллари мамлакатимизда шаклланган янги таълим тизимига бутун дунё катта қизиқиш ва ҳавас билан қарамоқда. Ёшларимиз замонавий билимларни мукаммал ўзлаштириш баробарида касб-ҳунар эгаси бўлиб етишмоқдалар. Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмоқда. Бундай йигит-қизларнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, марра, албатта, бизники бўлади, дедилар Юртбошимиз.

Буни биз, ўқитувчи ва мураббийлар ўз меҳнатимизга берилган муносиб баҳо, юксак ишонч, шунинг баробарида, жуда катта масъулият, деб қабул қилдик, десам, ўйлайманки, юртимиздаги минг-минглаб ҳамкасбларимиз бу фикрга тўла қўшиладилар.

Президентимиз таклифига биноан, 2013 йил мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб номланди. Бундан бутун халқимиз, шу жумладан, ҳаёти тобора тўкин, обод ва фаровон бўлиб бораётган биз, ўқитувчи ва мураббийлар ҳам беҳад қувондик. Бинобарин, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган келгуси йилнинг асосий устувор йўналишлари халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечириши, турмуш даражасининг муттасил ошиб боришини таъминлашда муҳим омил бўлиши аниқ.

**Исломжон РАҲМОНОВ, Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

## Модернизация

*Наманган шаҳридаги "Машхим" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган халқаро андозаларга мос спорт ускуна ва жиҳозларига талаб тобора ортиб бораётир.*

# Корхонанинг янги маҳсулотлари

Яқинда корхонада турли машқларни бажаришда фойдаланиладиган тренажёрларнинг яна олтита турини тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу билан жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 97 тага етди. Эътиборли жиҳати шундаки, "Машхим" маҳсулотларининг асосий қисми жойларда барпо этилаётган болалар спорти иншоотларини жиҳозлашга йўналтирилмоқда. 47 киши меҳнат қилаётган жамоа жорий йилнинг ўн бир ойида буюртмачиларга 1,8 миллиард сўмликдан ортиқ спорт анжомлари етказиб беришга эришди. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш юзасидан 46,8 минг еврога тенг лойиҳа ижроси ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Хориждан келтирилган технологик линия ишга туширилиши билан бу ерда идоралар учун мўлжалланган юмшоқ мебеллар тайёрлашга киришилади.

Айтиш лозимки, Наманган шаҳрида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 25 та корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш тадбирларига 10,3 миллиард сўмликдан зиёд инвестиция йўналтирилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Экспортбоп матолар

*Жорий йилда Сурхондарё вилоятида ҳудудий дастурга мувофиқ, умумий қиймати 7675,8 минг АҚШ долларига тенг енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир 34 лойиҳани амалга ошириш ва шунинг ҳисобига 987 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.*

## Интилиш

Ана шундай корхоналардан бири — "Музработтекс" масъулияти чекланган жамиятида газлама ва мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳани амалга оширишда молия муассасаси томонидан ажратилган кредитдан ҳам самарали фойдаланилди.

— Мато ва газламаларимизга ички бозорда талаб ортиб бормоқда, — дейди корхона раҳбари Эшбой Усмонов. — Эндиликда уларни экспортга йўналтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Таъминот

*Сув — бебаҳо неъмат, тириклик манбаи. Шу боис ундан оқилона фойдаланишга, ҳар томчисини тежашга ҳаракат қиламиз. Айниқса, дунёда чучук сув захиралари тобора камайиб бораётган бир вазиятда аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш, қолаверса, таъминот корхоналарини модернизация қилиш долзарб вазифадир.*

# Истиқболли лойиҳалар натижаси

— Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, галдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди, — дейди "Қорақалпоққишлоқхўжаликсувтармоқлари" трестининг Кегайли тумани бўлими бошлиғи Пўлат Қодиров. — Биз бундан тегишли хулосалар чиқариб, фаолиятимизни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Чекка ва олис қишлоқларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасидаги истиқболли лойиҳаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқарилаяпти. Хусусан, яқинда Кегайли тумани марказидаги А. Пирназаров ҳамда Ш. Еримбетов номли кўчалар бўйлаб жойлашган 150 та хонадонга зилол сув тармоғи кириб борди. Бунинг учун 100 миллион сўм сарфланиб, 2 километр масофага қувурлар ётқизилди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда туманда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами кенг. Хусусан, Осиё тараққиёт банкининг 2,4 миллион АҚШ долларилик маблағи 3 та замонавий сув тозаловчи ускуна, 15,2 километрлик янги сув тармоғини бунёд этишга йўналтирилди. Бинобарин, маҳаллий инвестиция дастурига мувофиқ, 3,5 километрлик сув тармоғи реконструкция қилинганди. Ўтган йили янгидан ётқизилган 25,9 километрлик қувурлар орқали тумандаги Қозонкетган, Обод, Жангабозор қишлоқларидаги 810 хонадон ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 апрелдаги қарори асосида Оролбўйи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича манзилли дастур қабул қилинганди, — дейди Кегайли тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Парахат Гулимов. — Унга кўра, ўтган йили туманимиздаги Соржап, Тўрткўл, Еркиндарё овуллари ҳамда Халқобод шаҳарчасидаги ўн километрдан зиёд тармоқларда 277 миллион сўмликдан зиёд реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада мазкур ҳудудларда ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминловчи бу борадаги хайрли тадбирларни амалга ошириш борасида Чимбой туманида ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида тумандаги Қамисариқ, Кенгес қишлоқларидаги 5 километрга яқин ичимлик суви тармоғида 660 миллион сўмликдан зиёд таъмирлаш ишлари бажарилди. Натижада мазкур овулларда яшаётган 3 минг нафар аҳоли замонавий қулайликдан баҳраманд бўла бошлади.

— Бундан бир неча йил аввал ер ости сувини тўплаб ва тозалаб берувчи замонавий иншоот реконструкция қилинганди, — дейди Чимбой шаҳар сув тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Дуйсенбой Адилов. — Бу туман марказида истиқомат қилувчи 47 минг аҳоли эҳтиёжини таъминлаш имконини берди. Айни пайтда туманимизда 2011 — 2020 йилларга мўлжалланган дастур асосида бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда.

